

## ХОРАЗМ ТУПРОҚ-ИҚЛИМ ШАРОИТИДА *HIBISCUS ESCULENTUS* L ЎСИМЛИГИ НАВЛАРИНИНГ СУВ САҚЛАШ ҚОБИЛИЯТИ

Д.Ж.Уринова

УрДУ Биология кафедраси, ўқитувчи

М. Т. Рахманова

Урганч тумани 18 – мактаб, ўқитувчи

И.А.Бахберганаева

Урганч тумани 18 – мактаб, ўқитувчи

К. Б. Бозорбоева

УрДУ Биология йўналиши 2-курс талабаси

### Аннотация

Хоразм тупроқ-иқлим шароитида *Hibiscus esculentus* L ўсимлиги навларининг сув сақлаш қобилияти ўрганилди. Олинган натижаларга кўра интродуцент ўсимлик – бамиянинг ксеромезофит ўсимлик эканлиги аниқланди.

**Калит сўзлар:** бамия, Malvaceae, ўсимлик, сув танқислиги, сув сақлаш қобилияти, транспирация, интродукция.

Республикада суғориладиган ерларининг турли даражада шўрланганлиги, қурғоқчилик ва чўлланиш жараёнлари кучайиб бораётган даврда ноёб ва истиқболли ўсимликларни излаб топиш, уларнинг биоэкологик, физиологик ва биокимёвий хусусиятларини ўрганиш, муайян тупроқ-иқлим шароитларига мослаштириш яъни интродукция қилиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.


Янги ва ноанъанавий ўсимликларни интродукция қилиш ва қурғоқчиликка чидамли бўлган ўсимлик турларини танлаш жараёнида улардаги сув алмашинувининг асосий кўрсаткичлари - сув танқислиги, сув сақлаш қобилияти, транспирацияни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Бу кўрсаткичлар ўсимлик организмида кечадиган асосий физиологик жараён – фотосинтез билан чамбарчас боғлиқ [1,2].

Сув алмашинувининг асосий муҳим кўрсаткичларидан бири бу - барглarning сув сақлаш қобилияти бўлиб, унга қараб ўсимликнинг экстремал шароитларга

(қурғоқчилик, тупроқнинг шўрланганлиги ва ҳ.) қанчалар бардош бера олиши ҳақида фикр юритиш мумкин.

Хоразм тупроқ-иқлим шароитида етиштирилган бамия намуналарининг барчасида сувни сақлаш қобилияти июн-июл ойларида катталиги, август ва сентябр ойларида нисбатан пастлиги кузатилди. Покистон бамиясининг мавсумий амплитудаси 25,9 %, Ҳиндистон бамиясиники - 17,6 %, Куба бамиясиники – 12,9 %, Фаластин бамиясиники эса 18,6% ни ташкил қилди. Бу борадаги маълумотлар 1- расмда ўз ифодасини топган.

Бамия ўсимлигининг ўсиши ва ривожланиши давомида асосий ассимиляцияловчи орган - баргларида сув миқдорининг юқорилиги, сув танқислигининг пастлиги кузатилди. Олинган натижаларга кўра интродуцент ўсимлик – бамиянинг ксеромезофит ўсимлик эканлиги аниқланди. Баргларидаги транспирация жадаллигини кунлик ўзгариш диапазонининг 1- расм.



3 такрорликдан ўртача кўрсаткичлар келтирилган.

катталиги ўрганилган ўсимлик намуналари сув режимининг ўзгарувчанлигини, яъни лабил характерли эканлигини ифодалайди. Сув режимини ўрганиш бўйича амалга оширилган тадқиқотлардан яхши маълумки, лабил сув режимига эга ўсимликлар юқори биологик ҳосилдорлиги билан тавсифланади [3,4].

Бамия дунёнинг кўп мамлакатларида етиштирилишига (ҳатто айрим мамлакатларда экспорт ҳам қилинади) қарамасдан республикамизда кам ўрганилган ўсимликдир.

Шу боис бамияни коллекцион намуналарининг турли экологик шароитларда биекологик, физиологик ва биокимёвий хусусиятларини ўрганиш, турли минтақаларда етиштиришнинг усулларини тадқиқ этиш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эгадир [2,5].

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Abdurakhimov Umorbek, Annamuratova Dilorom, Jumanazarova Nigora, Igamova A, Atajanova S.B. The Productivity of Milk Thistle - *Silybum Marianum* (L.) Garten, Depending on The Methods of Sowing and Seeding Rates in The Conditions of The Khorezm Region. Eurasian Scientific Herald. Volume 5| February, 2022. ISSN: 2795-7365. Page - 103-107.
2. Аннамуратова Д.Р, Бекчанова М.К, Ражабова Н.Р. Бамия ноанъанавий озиқабоп экин. International Conference on Developments in Education Hosted from Amsterdam, Netherlands <https://econferencezone.org> April 30th 2022. Page – 190-192.
3. Safarova N.K. Turli introduktsiya sharoitlarida *Hibiscus esculentus* L. ning biologiyasi va suv rejimi. Avtoref. Dis... 131 bet. Toshkent, 2010.
4. Safarova N.K. Xorazm vohasi sharoitiga ko'niktirilgan bamiyaning o'sishi va rivojlanishiga mineral o'g'itlarning ta'siri // Xorazm Ma'mun akademiyasi va uning dunyo ilm-fani taraqqiyotidagi o'rni: Respublika ilmiy-amaliy konferentsiya materiallari. - Toshkent, 2006. – B. 174-177.
5. Тухтаев Б.Е. Интродукция лекарственных растений на засоленных землях Узбекистана. Автореф. дис. ...док. биол. наук. –Ташкент, 2009. -38 с.